

9-10-2020

INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA.

Jahongir Jurakulovich Shodiev

Bukhara Engineering and Technology Institute Lecturer, Department of Social Sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Shodiev, Jahongir Jurakulovich (2020) "INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 35.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/35>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

иштирокини кучайтириш, коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш;

етинчидан, Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари олдини олишга қаратилган янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жамиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. <http://ngo.uz/> Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиётини кафолатлайди.
2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда қайси йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш керак? Бахшилло Хўжаев, Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директор ўринбосари в.б. Kun UZ 2019 йил 22 январь
3. <https://www.sfo.gov.uk/> The SFO investigates and prosecutes serious or complex fraud, bribery and corruption.
4. <https://republika.co.id/>. Sebuah Kemunduran dari Pengalihan Pegawai KPK Sebagai ASN

УМАР ХАЙЁМ РУБОЙЛАРИНИНГ ТАЛҚИН ВА ТАВСИФИ.

Шодиев Жаҳонгир Жўракулович
Бухоро Мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Умар Хайём рубойларида олам ва одамни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб берилган. Хайём рубойларида комилликни талқин этилиши, бугунги кунда комил инсонни шакллантиришда тарбиявий ва маънавий аҳамиятнинг жамиятдаги туганган ўрни, инсон ҳаёти олдидан тугилишу ўлим, қувончу қайғу, орзу-интилишлар намоён бўлиши қайд этилган.

Калит сўзлар: инсон, оламнинг моҳияти, ҳақиқий ишқ, комиллик, баркамоллик, маънавият.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ И ОПИСАНИЕ УМАРА ХАЙЯМА РУБАЙИ.

Шодиев Жаҳонгир Журакулович
Бухарский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры общественных наук

Аннотация: В статье представлен философский анализ вселенной и человека в рубае Умара Хайяма. В рубае Хайяма отмечается, что истолкование совершенства, роль воспитательного и духовного значения в формировании совершенного человека в современном обществе, проявление рождения и смерти, радости, печали, мечтаний и стремлений перед лицом человеческой жизни.

Ключевые слова: человек, сущность вселенной, истинная любовь, совершенство, совершенство, духовность.

INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA.

Shodiev Jahongir Jurakulovich

Bukhara Engineering and Technology Institute

Lecturer, Department of Social Sciences

Resume: *The article presents a philosophical analysis of the universe and man in the ruba of Umar Khayyam. In Ruby Khayyam it is noted that the interpretation of perfection, the role of educational and spiritual significance in the formation of the perfect person in modern society, the manifestation of birth and death, joy, adness, dreams and aspirations in the face of human life.*

Keywords: *man, the essence of the universe, true love, perfection, perfection, spirituality.*

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Ғиёсиддин Абулфаҳ Умар ибн Ибродим Хайём Нишопурий 1048 йил 18 майда Нишопурда **чодир (хайма)** тикувчи косиб оиласида тугилади. (Унинг таҳаллуси ҳам отаси шуғулланган касб номидан олинган: **Хайём - чодир ясовчи уста, чодир тикувчи, чодирчи**). Ёшлигида балхга келиб, ўша даврнинг таниқли уламоларидан Муҳаммад Мансур қўлида таҳсил олади. Салжуқий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар авжга минган даврда Балхни тарк этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир, кейин Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қорахоний даргоҳида яшайди. У ҳақда маълумот берилган деярли барча қадимги қўлёзмаларда фавқуллода истеъдоди, кучли қувваи ҳофизаси ва олдиндан башорат қилиш қобилияти хусусида сўз боради. Чунончи, “Исфаҳонда эканида бир китобни етти дафъа ўқуған. Нишопурга қайтганда шуни ёддан ёзган. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаған»¹.

Қисмат ўйинини қаранги, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюк кашфиётлари бир чеккада қолиб, у илмий изланишларидан чарчаган пайтларида турли дафтарларнинг хошияларига битган ва иккинчи даражали ҳисоблаган рубоийлари Хайём номини дунёга танитди.

Умар Хайём рубоийларида фикр қанча теран, мазмун қанча чуқур, мушоҳада қанча кенг, **фалсафа қанча** салмоқли бўлса, ифодаси шунча содда, тушунилиши **шунча осон, ўқилиши шунча енгил, таъсири шунча кучли**. Аввал тафаккурда туғилиб кейин қалб қўрига йўғрилган Умар Хайём **рубоийлари, бир сўз билан айтганда, олам ва одам ҳақида. Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиқлик, таассуф аралаш лоқайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришки қўлингдан келмас экан, уни деб қайғуриш бехуда**. Унинг учун тугилиш ва ўлим, **яхшилиқ ва ёмонлик, зулм ва адолат... ҳаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади**.

Умар Хайём шундай далилга асосланган ҳолда ўз рубоийларида:

“Қайда камол топдинг, жононам ўзинг,

¹ Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: “Маънавият”, 2000, 146-бет.

Ойни уялтирар тунда юлдузинг,
Базм учун юзларни безар гўзаллар,
Жаҳон базмин безар бир сенинг ўзинг²
-деб ёзади.

Оллоҳ илми инсон билимидан фарқланади. У ўз зоти, мазмун-моҳиятидан тўла-тўқис хабардор. Унинг билими тадрижий ўзгаришларга муҳтож эмас, чунки бундай билим билмасликдан билишга, ноаниқликдан аниқликка томон йўналмаган, у аслида баркамол, мутлақ илмдир.

Бу рубоийлар ҳаётининг, реал инсоний интилишлар, дарду туйғуларни акс эттиргани учун ҳам кўнглига яқин. Шоир ҳақиқатнинг кўзига тик қараб гапирди. У дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, тирикликнинг маъноси хусусида аниқ-тиниқ фикр юритади. Бу рубоийлар шоирона тасаввур-тахайюл, мавҳум самовий ҳаёллар, анъанавийлик, романтика маҳсули эмас, балки қайноқ турмуш тафтида пишган ҳаётининг кечинмалар ҳосиласи.

Умар Хайём нигоҳи билан дунёга **боқсак** бир ўзгача манзаранинг гувоҳи бўламиз: **оёғимиз** остидаги тупроқ – “ота-боболар хоки”, “сулувлар кўзининг қорачиги”; гулу кўкатлар – **бир** маҳаллар “гўзал бир чехра” бўлган; шабнам – “моҳлиқолар юзидаги тер” эса, чанг – “санамлар оразини қоплаган гард”. Ҳеч нарса бегона эмас, ҳаммаси кўнглига яқин – барчаси ўзимизники!

Табиатда бўлгани сингари ҳаётда ҳам ҳамма нарса – туғилиш ва ўлим, шодлик ва қайғу, ёшлигу кексалик, орзую армон... ўзаро ўрин алмашиб туради. Шу сабабли, айтайлик, кўклам кайфияти ҳади этган оний сурурдан илҳомланиш шоир учун нишоннинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи – юракни кўтаринки ҳисларга тўлдирган бу қувончнинг, бу шуқуҳнинг ўткин-чилиги. У ҳар қандай қувонч қатида қайғу, ҳар қандай ғам ортида шодлик кўради.

Лаҳза – Хайём ижодида кенг ишланиб, образ даражасига кўтарилган. Унингча, бу дунё қошида, мангулик қаршисида бизнинг умримиз – ялт этган бир лаҳза. Ўз навбатида, инсон ҳаёти олдида тугилишу ўлим, қувончу қайғу, орзу-интилиш – ҳамма-ҳаммаси лаҳза қатига жо. Лекин инсон лаҳзада абадиятни кечирishi, ҳатто уни яратиши мумкин. Унинг буюклиги шунда.

Вақтни мангуликка муҳрласа бўлади. Бунинг учун ўтаётган ҳар бир лаҳзанинг қанотига нимадир илиб улгуриш керак. Чунки елкасида юки бор лаҳзалар абадият, икки қўли бўм-бўш дақиқалар эса йўқлик сари равона бўлади.

Ҳа, вақтдан бўлак ҳамма нарсани топса, қўлга киритса бўлади. Баҳор қайтади, майсалар ниш уради, гуллар ҳар йили очилаверади, булбуллар сайрайверади, лекин инсон “ўргач, қайта кўкармас гиёҳ, у “олтин эмас, кўмганларидан кейин қайта қазиб олишмайди”. Шу тариқа, Хайём рубоийлари асосида дунёнинг ўткинчилиги, бинобарин, умрнинг қадрига етиш, ҳар дақиқани ғанимат билиш, чунки ўтган лаҳзанинг ортга қайтмаслиги, инсонга ҳаёт бир марта берилганлиги, шундай экан, шод-хуррам яшаш кераклиги каби ғоялар ётади. Бунинг учун у инсоннинг ўлиши, ўлгандан сўнг тупроққа айланиши, бу тупроқдан қуллоқ кўза ясаши, кўзага май

² Умар Хайём нишопурий-шаркнинг буюк мутафаккири. Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон-Тошкент, 2004, 27-бет.

қуйилиши сингари тимсол-тушунчалардан кенг фойдаланади. Ҳар қандай мавжудот пайдо бўлиши, ўсиб - униши ва заволга юз тутиши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши - ҳаёт абадулабад шу тарзда давом этиши бу рубоийларнинг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳаётдаги бир лаҳзалик қувончни қўлдан чиқармасликка, хуш-хурсанд яшашга, тирик туриб ўзига қабр қазимасликка даъват шоир рубоийларида қизил ип бўлиб ўтади.

Кулол, кўза, тупроқ... Хайём ўз ижодида қайта - қайта мурожаат қиладиган образлар. Улар воситасида файласуф шоир, кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганидек, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишинигина ифодаламайди. Шоир дунё қарашидаги энг дардли нуқталар боғлиқ бу образлар билан. Унинг талқинича, инсон - жисм ва руҳнинг буюк бирлиги. Лекин у ўлади, тупроққа айланади, бу тупроқдан кўза яшаш мумкин, афсуски, кўза ҳеч қачон одамга айланмайди.

Кулол дўконига киирдим бир сафар,
Дастгоҳда ишларди уста кўзаганр.
Гадо қўлидан-у шоҳнинг бошидан
Кўзанинг бўйнию дастасин ясар³.

Во дариғ! Олам оқиб борар. Агар шу осмон ёхуд тун ва кун бўлмаса, умр ҳам худди мана шу чўлу даштлар янглиғ чексиз-чегарасиз туюлади. Балки Оллоҳнинг хикмати ҳам шундадирки-у одамга ўз умрини ўзи ҳисоб-китоб қилишлигини амр этгандир. Мана умр, уни хоҳла кунга ёз, хоҳла тунга...

Умар Хайём май куйчиси сифатида машҳур. Лекин май мумтоз шеърятда кенг ишланган анъанавий тимсол бўлиб, у орқали, бир томондан, илоҳий муҳаббат тараннум этилса, иккинчи томондан, ҳаёт лаззатлари улуғланади. Аслида Хайём рубоийларида ўзининг юксак такомилга етган кўпгина образ ва мотивлар салафлари ижодида у ёки бу даражада ишланган эди. Жумладан, май мавзуси ҳам дастлаб Рудакий ва унинг издошлари ижодида учрайди. Ёки май абадий умр гарови, ёшлик завқининг сармояси, ғамни маҳв этувчи омил эканлиги ҳақидаги фикрлар, соқий, жоми Жам, май соқийси каби тимсол ва истилоҳлар, май ичиш шок, донишманд ва ринд кишиларга раво эканлиги тўғрисидаги тавсиялар Ибн Сино рубоийларидаёқ мавжуд. Азракий, Муиззий, Адиб Собир Термизий каби салжукийлар саройи шоирлари ҳам майни таъриф этганлар. Лекин бу шоирлар ижодида май ҳали тимсол даражасига кўтарилмаган эди. Ҳаётдан лаззатланиш, ҳар бир дақиқани нашъу намога тўлдириб, умрни хуш-хуррам ўтказиш ғояларини ҳеч бир шоир Умар Хайёмдай авж пардаларда қойилмақом қилиб куйлай олмаган.

Май ичгил гул тагида роса ётарсан,
Мунис-у дўст-у ҳамдам-у жуфтсиз.
Бу яширин сирни зинҳор бировга айтма,
Сўлиган ҳар дола қайтса очилмас.⁴

³ Наби Жалолоддин. Хайём. Роман. Биринчи китоб. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти. 2011, 16-бет.

⁴ Умар Хайём нишопурий-шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон-Тошкент, 2004, 65-бет.

Бу рубоийда май-“хаёт неъмат” рамзий маъносини касб қилган. Шоир айтмоқчи бўлган фикр – “хаёт неъматидан тўлалигича фойдалан, чунки бу дунёдан кетган қайтиб келмайди”.

Биз муаззам Шарқ адабиётининг меросхўри бўлган халқлардан биримиз. Шунинг учун форс-тожик адабиётидан таржимада вазм муаммоси йўқ. Чунки “кўп асрлик бой, ранг-баранг шеърятимиз арузга мужассам, адабий-эстетик анъаналар ва усуллар йўриғидан ўзбек ва форс-тожик шеърятини орасида яқинлик ва муштарақлик мавжуд”⁵. Айни жиҳатларини ҳисобга олмаслик оқибатида рубоий таржимачилигида назария билан амалиёт орасида узилиш вужудга келди. “Хайём ва бошқа форс-тожик шоирларининг рубоийлари ўзининг арузий вазни эмас, балки бармоқ вазнида таржима этилганлиги сабабли тўрт мисрадан иборат ҳар қандай шеърни рубоий деб ўқувчиларга тақдим этиш расм бўлиб қолди”⁶.

Китобхон ўз мумтоз адабиёти намояндалари рубоийларини анъанавий вазнида, форсий шеърят классикларининг айни шундай асарларини эса тўртликлар сифатида ўқиса, унинг жанр ҳақидаги тушунчасида иштибоҳ пайдо бўлмайдими? Агар уларни рубоий деб айтадиган бўлсак, “рубоийга янги, асосланган бошқа таъриф беришга зарурат тугилган бўлар эди”⁷.

Хайём рубоийларининг мазмуни қанчалик чуқур, фалсафаси теран бўлса, услуби шунчалик енгил, тили содда, ифодаси халқона. Бу - Хайём рубоийларининг ўзбек адабиётидаги муваффақиятини таъминлаган асосий омил.

Биз мумтоз адабиёт намуналарини халқ тушунадиган даражада соддалаштиришимиз эмас, балки кенг ўқувчилар оммаси дидини бу бадиият дурдоналарини тушуниш қадар юксалтиришимиз керак. Рубоийларни арузда таржима қилишимиздан мақсад ҳам аслида - шу. Токи ўқувчилар буюк сўз усталарининг фақат гоё ва фикрларидангина эмас, балки шоирлик маҳоратию рубоийларининг бадииятидан ҳам бир қадар баҳраманд бўлсинлар. Бу эзгу ниятнинг қанчалик амалга ошган-ошмаганлигини холис баҳолаш эса дунё адаб аҳли эътироф этган юксак даражадаги мумтоз шеърятнинг ворислари бўлмиш нозиктабь рубоийсеварлар эътиборига ҳавола.

Адабиётлар:

1. Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: “Маънавият”, 2000, 146-бет.
2. Умар Хайём Нишопурий-шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон-Тошкент, 2004, 27-бет.
3. Наби Жалолiddин. Хайём. Роман. Биринчи китоб. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти. 2011,16-бет.
4. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат

⁵ Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983,55-бет.

⁶ Комилов Н. Хатолар бор, аммо...// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 15 май.

⁷ Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар, 147-бет.

нашриёти, 1983,55-бет.

5. Комилов Н. Хатолар бор, аммо... “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 15 май.
6. Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар, 147-бет.

ҲАЛОЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Тожибоев Сарвар Пулатжон ўгли
Фаргона давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташиббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили келтирилган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос йўли сифатида ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш зарурати асосланган.

Калит сўзлар: кадрлар тайёрлаш, давлат дастури, ҳалол ва садоқатли кадр, коррупция, виждон, ор-номус, гурур.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ ЧЕСТНЫХ КАДРОВ

Тожибоев Сарвар Пулатжон ўгли
греподаватель Ферганского государственного университета

Аннотация: В данной статье представлен социально-философский анализ создания эффективной системы подбора и подготовки инновационных и самостоятельных, ответственных, предприимчивых, патриотичных и честных кадров. Это также основано на необходимости создания системы подготовки честных кадров как особого способа борьбы с коррупцией.

Ключевые слова: подготовка кадров, государственная программа, честный и лояльный кадров, коррупция, совесть, честь, гордость.

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF CREATING SYSTEM OF TRAINING HONEST PERSONNEL

Tojiboev Sarvar Polatjon ugli
Teacher of Fergana State University

Annotation: This article presents a socio-philosophical analysis of the creation of an effective system for the selection and training of innovative and independent, responsible, enterprising, patriotic and honest personnel. This is also based on the need to create a system of training honest personnel as a specific way to fight against corruption.

Key words: training personnel, state program, honest and loyal personnel, corruption, conscience, honour, pride.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босиқчида юқори интеллектуал салоҳиятга, теран тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлиш билан бирга юксак ахлоқий

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263